

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Фахридинов Абдулҳаким Зияуддинович

"Агроиқтисодиёт" кафедраси

Тошкент давлат аграр университети

abdulhakim.uz90@gmail.com

+998 33 158 90 90

Зикиров Бахтиёр Неъмат ўғли

"Агроиқтисодиёт" кафедраси

Тошкент давлат аграр университети

zikirovbaxtiyor1994@gmail.com

+998 90 688 22 02

Аннотация: Уибу мақолада иқлим ўзгариши шароитида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ва унинг қишлоқ хўжалиги тармоқлари кесимида таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада уибу соҳага инвестицияларни жалб қилишининг ички ва ташқи имкониятлари, қишлоқ хўжалиги соҳасида инвестиция фаолиятини такомиллаштириши муаммолари ва ечимлари кўриб чиқилган

Калит сўзлар: Инвестиция, инвестицион лойиҳа, самарадорлик, капитал, чет эл инвестициялари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжалиги, инвестор, кредитуюшмаси.

I.КИРИШ.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қишлоқда мулқдорлар синфи шаклланиши ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ташкилий, иқтисодий ва хукуқий асослар яратилди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисмини нодавлат сектор - фермер ва дехқон хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Инвестициялар таркиби, кўлами ва улардан самарали фойдаланиш корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, энг аввало истиқболли ривожланишни, яъни ҳар хил даражадаги иқтисодий тизимда хўжалик юритиш натижаларини белгилаб беради.

Бироқ, амалга оширилган ишларнинг кўламига қарамасдан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инвестицион фаоллигини ошириш борасида хали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Жумладан, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида аграр соҳада инвестициялардан фойдаланишнинг ўзига хос илмий-услубий асосларини ўрганиш, қишлоқ хўжалик корхоналарига инвестицияларни жалб қилишининг асосий йўналишларини белгилаш, тармоқда қулай инвестицион мухитни шакллантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мухим аҳамият касб этади.

Инвестиция фаолияти ҳар қандай тизимда ҳам мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланаётганлик даражасини ифода этади. Иқтисодиётни инвестициялашга жалб этилаётган маблағлар, хусусан, чет эл капиталиинг салмоғига караб мамлакатнинг иқтисодий қудратига баҳо бериш мумкин.

Мамлакатимизда нвостицияларни жалб этишда аввало ички манбаларни сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришда инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари – корхона фойдаси, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва бошқалардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини англаради. Чунки, ички манбаларнинг тўлиқ сафарбар этилиши, бир томондан, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишини таъминласа, бошқа томондан, инвестияларнинг самарадорлигини оширади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш, мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг тенг ҳуқуқли шароитда фаолият юритишини таъминлаш орқали мулқдорлар синфини шаклантириш масаласи тармоқда ислоҳотларни жадаллаштиришни талаб этади. Бу эса тармоқда, шунингдек, инвестия фаолиятини ҳам ривожлантириш орқали молиявий барқарорликка эришиш зарурлигини келтириб чикаради. Шу сабабдан қишлоқ хўжалигининг истиқболли тараққиётини таъминлаш ва бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари инвестия фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос аҳамиятидан келиб чиқиб, қуидагиларни амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини ва уларнинг инвестия фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш зарур.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизд 2023 йил қишлоқ хўжалиги йўналишида амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни таҳлил қиласиган бўлсак жами 2276 та лойиҳанинг қиймати 8 241 271 млн сўмни ташкил этган. Бунинг асосий қисми хўжаликнинг ўз маблағларидан ташктл этган. Бу эса бу кўрсаткичлардан кўришимиз мумкинки асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириб берувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари имкониятлари чекланиб қолмоқда.

Жадвал 1

2023 йилда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалга оширилганхудудий инвестия лойиҳаларининг тармоқлар кесимида маълумот¹¹

Т/	Тармоқлар номи	Лойиҳала р сони	Лойиҳанинг умумий қиймати. (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари			
				Ўз маблағи (млн.сўм)	Банк кредити, (млн.сўм)	Хорижий кредит линия, (минг доллар)	Хорижий инвестиция, (минг доллар)
	<u>Жами:</u>	<u>2 276</u>	<u>8 241 271</u>	<u>5814 350</u>	<u>1495 660</u>	<u>59 775</u>	<u>18 482</u>

¹¹ Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари

<u>I</u>	Мева-сабзавотчили к йўналиши	431	1 369 876	999 768	209 909	9 197	4 265
<u>II</u>	Озиқ-овқат йўналиши	585	2 920 559	1896 871	576 485	34 042	3 538
<u>III</u>	Чорвачилик йўналиши	932	2 769 629	2045 874	449 129	14 688	8 390
<u>IV</u>	Бошқа қишлоқ хўжалиги соҳалари	328	1 181 207	871 837	260 136	1 848	2 289

Ушбу инвестицион лойиҳаларни тармоқлар кесимида таҳлил қиласидан бўлсак асосий лойиҳалар чорвачилик йўналиши 932 та ва озиқ-овқат йўналиши 585 тани ташкил этган бўлсада, озиқ-овқат йўналишидаи маблағлар 2920559 млн сўм ва чорвачилик йўналишидаги лойиҳаларнинг қиймати эса 2769629 млн сўмни ташкил этмоқда.

Юқоридаги жадвал маълумотларига қарамасдан ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига ички инвестицияларни жалб килишда қуидаги муаммолар кўзга ташланади:

- инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги;
- маркетинг тадқиқотларининг чукур олиб борилмаслиги;
- инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири - молиялаштиришнинг муқобил усулларидан (лизинг, факторинг, кимматли когозлар бозори) суст фойдаланиши;
- инвестицион лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- хом ашё сотиб олишга айланма маблағлар етишмаслиги;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом ашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик, ва бошқа.);
- инфратузилмага оид муаммолар, жумладан корхоналарнинг электр энергияси билан мунтазам таъминланмаётганлиги ёки табиий газ ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар борлиги;
- технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги;
- корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг паст даражадалиги;

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиха ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;
- корхоналарни узлуксиз равища электр энергияси ва табий газ билан таминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- технологик асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этиш, тежамкор технологияларни танлаш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишлиланган ўкув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни йўлга қўйиш.

Қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ҳамда давлатнинг марказлашган инвестициялари, асосан, давлат инвестиция дастури асосида амалга оширилаётганлиги ва бевосита хусусий инвестицияларни жалб қилишга эътибор қаратилмаётганлиги ҳам мазкур йўналишдаги илмий ечимларни кучайтириш талаб этилади.¹²

Бунда давлат Инвестиция дастурига асосан хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда давлатнинг марказлашган инвестициялари қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, ирригация ишларини яхшилаш, айrim худудлардаги сув хўжалиги тизимидағи муаммоларни бартараф этишга ва шу кабиларга йўналтирилаётганлиги, аммо, хорижий инвестициялар фермер ва бошқа хўжаликлар ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш каби мақсадлар учун жалб қилишга, фермер хўжаликлари билан қўшма корхоналар шаклида тузилган субъектлар фаолиятини ривожлантиришга нисбатан паст эътиборда қаралиётганлигини кўриш мумкин.

Агар иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишга давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ва шартшароитлар яратиш борасида муайян тадбирлар амалиётга жорий қилинаётган бир даврда қишлоқ хўжалиги тармоғининг назардан четда қолиши капитал сифими қониқарсиз даражада турган тармоқ иқтисодиётини янада аянчли аҳволга тушиб қолишга яқинлаштираверади.

II. НАТИЖАЛАР

Қишлоқ хўжалигига инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига хорижий инвестицияларни, жумладан, бевосита хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан кенг ва самарали фойдаланишнинг замонавий механизмини яратиш муаммосининг ечимихам долзарб масалалардан хисобланади.

¹²Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойихалари таҳлили. - Тошкент, 2003. 76 бет.

Шунга асосланиб, қишлоқ хўжалиги тармогида эркин иқтисодий худуднинг ишлаб чиқариш-экспорт йўналишида ташкил этилиши мақсадга мувофик;

б) қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадида тармоққа жалб этилувчи хорижий инвестициялар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб бериш, жумладан, тармоқнинг инвестицион қулайлигини ошириш ва унга жалб этиладиган хусусий хорижий инвестицияларнинг қрнуний химоясини давлат томонидан тўла маънода кафолатлаш масаласини хал этиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш учун қишлоқ хўжалиги юксак тарақкий этган давлатлар амалиётини ўрганиш ва улардаги илгор тажрибаларни республика иқтисодиётида қўллаш нисбатан паст даражадалиги хам тармоқ ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги ривожланган АҚШ ва Хитой давлатларининг Ушбу масала бўйича тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўриш, хусусан, фермер хўжаликларини 3-5 йил муддатга соликлардан озод қилиш ёки тўланадиган барча солик ва мажбурий туловлар уларнинг даромади хамда харажатида нисбатан кичик салмокка эгалиги, шунингдек, иқтисодиётнинг бошка тармоқ корхоналари бўйича ҳисобланганда хам энг кичик улушни эгаллашини таъминлаш амалиётини жорий мақсадга мувофик.

Шунингдек, ривожланган хориж давлатлари тажрибаларига асосан, республикамиз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг карз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиши амалга оширилганда давлат томонидан мазкурнинг карзнинг 50 фоизгача кисмини кафолатлаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофик.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида кредит уюшмалари фаолиятини ривожлантириш ва бу жараёнда давлат эътиборининг нисбатан коникарсиз эканлиги хам тармоқ инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг юкори савияда бўлишига салбий таъсир кўрсатади.

Кредит уюшмаларини ривожлантиришда хориж тажрибаларини ҳисобга олиш, шунингдек, уларнинг молиялаштиришдаги ўрни, аҳамияти ва зарурлигига асосланиб, республиканинг барча худудларида ривожлантирилиши хамда фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан иқтисодии қўллаб-куватлаш ва рагбатлантириш механизmlарини жорий этиш, жумладан, "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конунига мазкур хўжалик субъектларини 5 йил муддатга фойда ва мол-мулк солигидан озод қилиш тугрисида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофик.,

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига ички ва ташки инвестицияларни жалб этишда мазкур тармоқнинг иқтисодии ахволи ва имкониятлари, шунингдек, тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги тўғрисида аник ахборот ёки маълумотлар олиш имконияти хам тўлиқ шаклланганлиги йўқ.

Ўзбекистонда турли лойихаларни амалга оширишга қизиқаётган ички ва ташки инвесторлар учун зарур булган маълумотлар билан танишиш ёки уларни

еркин олишни таъминлаш механизмини самарали йўлга кўшиш лозим. Бунинг учун хар бир вазирлик ва юкори давлат ташкилотлари интернет тармогида маҳсус сайтга эга бўлган ҳолда ушбу сайт оркали ўз фаолияти натижалари, келгуси йиллар учун башорат кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотларнинг доимо эълон қилиб боришлари лозим. Шу мақсадда мазкур масаланинг амалда ижросини мустахкамлаш мақсадида унинг хуқукий асосларини ўзида мужассам этувчи "Ахборот таъминоти ва ундан фойдаланиш зеркинлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш лозим. Мазкур қонун маълумотларнинг очиқлиги, уларни олиш эркинлиги, илмий ва амалий тадқиқот ишларини олиб бориша, истиқболли башоратларни ишлаб чиқишида ҳам кенг фойдаланиш учун қулайликлар ва бошқа имкониятларни яратади.

Шунингдек, инвестицияларни тармоқча ва умуман, иқтисодиётга жалб етшни ривожлантириш мақсадида мамлакатда ихтисослашган консалтинг-рейтинг агентликлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирлари давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватланиши лозим. Хусусан, бу борада хусусий ёки машхур хорижий ёки ҳалқаро инвестицион рейтинг, консалтинг агентликлари билан хамкорликда қўшма муассасаларни, уларнинг филиалларини очиш мақсадга мувофиқ.

Кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ва улар бизнес-режаларини бошқа тармоқлардан фарқли равишдаги баҳолашнинг ўзига хос тартибини, кўрсаткичлар тизими ва меъёрини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу холатда қишлоқ хўжалиги корхоналари бизнес-режаларининг тижорат банклари томонидан тўғри тахлил қилиниши хамда баҳоланишига адолатли ёндашув таъминланади.

Юқоридаги фикрлар давомида сарф-харажатлар қилиб борилади ва сўнгра хосил йиғиб олиниб, сотилади. Чорвачилик, боғдорчиликда эса даромад олиш учун бир неча йил доимий харажатлар талаб этилади.

Кишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этиш тизимини такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш лозим:

- банклар, инвестиция фонdlари, сугурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;
- ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фолиятини ривожлантириш;
- инвестиция таклифлари ташаббускорларига инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишида тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам қўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш;
- инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволини маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур тахлил қилиш;

- хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил, хом-ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш.

IV. ХУЛОСА.

Бизнинг фикримизча, республикамизда фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни кучайтириб, истиқболда чет эл хусусий инвесторларининг маҳаллий фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш жараёнига давлатнинг алоҳида эътибори қаратилиши ва бунинг натижасида молиявий ва технологик муаммоларга барҳам бериб, миллий маҳсулотларнинг дунё бозорига чиқишини таъминлаш орқали мамлакат қишлоқ хўжалигининг АҚШ, Голландия, Дания, Ироил, Буюк Британия давлатларидағи сингари довруғи ва қудратини оширишга эришиш вақти етиб келди.

Ривожланниш даражаси паст, дотацияда бўлган ҳудудларга, ижтимоий, экологик ва бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий қилиш лозим.

Ривожланган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича инвестицияларни қўпроқ иқтисодиётнинг реал секторига, яъни ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Бундай амалиёт мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширади, янги иш иш ўринларини яратиш, ялпи ички маҳсулотни барқарор суръатларда ўстиришнинг моддий асосини шакллантиради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга кўрсатадиган ижобий таъсирини янада кучайтириш чора-тадбирларини амалиётга татбиқ этиш лозим. Ушбу мақсадда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётнинг халқаро савдода рақобатга бардош берадиган тармоқларига жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳаларни, маҳаллий бозорга хизмат қилишга мўлжалланган инвестициялар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг истиқболли соҳаларида қўпроқ экспортга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини тақомиллаштириш зарур.

V. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти" тўғрисида қонуни: расмий нашр. – Тошкент. Адлия вазирлиги. 2019 йил, 12 бет.
- Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. - Тошкент, 2003. 76 бет.
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотлари.
- Oblokov, A. (2022, December). THE NEED TO DEVELOP THE RICE NETWORK THROUGH COOPERATIVE RELATIONS. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 107-110).

5. Мухторов, А. Х., Облоқулов, А. О. Ў., Абдукаримова, М., & Мухторова, Ч. А. (2024). ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ (ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА). *Science and innovation*, 3(Special Issue 42), 79-82.